

Асанов Эльдар Энверович,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Миллий археология маркази
кичик илмий ходими

ЎРТА ОСИЁ ҚАДИМГИ ТУРК БИТИКЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТОМОНЛАРИ

Аннотация. В статье рассматривается роль тюркских рунических памятников в изучении этнической истории Средней Азии. Данный вопрос касательно раннесредневековой истории региона плохо изучен. Поэтому полученные выводы имеют важное значение для освещения истории данного периода.

В ходе исследования был использован сравнительно-исторический метод.

Ключевые слова: этно-глоттогенез, тюркский язык, рунический алфавит, рунические памятники, Средняя Азия.

Abstract. The article examines the role of the Turkic runic monuments in the study of the ethnic history of Central Asia. This issue regarding the early medieval history of the region is poorly understood. Therefore, the findings are important for illuminating the history of this period.

In the course of the study, a comparative historical method was used.

Key words: ethno-glottogenesis, Turkic language, runic alphabet, runic monuments, Central Asia.

Аннотация. Мақолада турк руник ёдгорликларининг Ўрта Осиё этник тарихини ўрганишдаги ўрни кўриб чиқилади. Минтақанинг илк ўрта асрлардаги тарихи бу жихатдан яхши ўрганилмаган. Шу боис олинган хулосалар ушбу давр тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мобайнида қиёсий-тарихий методдан фойдаланилди.

Калит сўзлар: этно-глоттогенез, туркий тил, руник алифбо, руник ёдгорликлар, Ўрта Осиё.

Компаративистлар орасида туркий тиллар генезисини тўла қайта тиклаш, оиланинг илдизларини аниқлаш ҳамда турли идиомларнинг ўзаро муносабатларини ойдинлаштиришнинг иложи йўқлиги борасидаги постулат мана эллик йилдирки фан “ҳақиқат”лари токчасидаги ўрнини ўзга ёндашувларга бўшатиб бермаяпти. Бу хусусда келтириладиган аргументация ҳам бир қарашда эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада мантиқлидир – кўчманчи ҳаёт тарзи билан тушунтириладиган юқори мобиллик, бу феноменнинг кўп босқичли ва бетартиб иккиламчи лисоний консолидацияга олиб келиши натижасида бугунги кунда турк тилларининг генеалогик дарахтини тузиш ҳамда мунтазам мутаносибликлар тизимини ишлаб чиқиш деярли имконсиз ишга айланиб қолган.

Зотан, Юрий Долгопольский 70-йилларда туркий тилларни “генеалогик кунда”га қиёслаганида заҳархандалик қилмай, аксинча, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг кўчманчи цивилизация сирлари олдидаги фиаскосини эътироф этган эди¹.

Вазиятга аниқлик киритиши лозим бўлган археология ва глоттохронология ҳам ё савияли методикага соҳиб бўлмаганидан, ё тадқиқотчиларнинг субъектив майли ихтиёридан чиқиб кета олмаётганидан, саволлардан янги саволлар вужудга келтирмоқда. Ёзма манбалар туркларнинг асосий миграцион оқимлари, сиёсий ва маданий тарихининг энг муҳим босқичларини илк ўрта асрлар учун чалакам-чатти бир шаклда, ривожланган ўрта асрларда эса анчайин муфассал ёритиб беради. Муаммо шундаки, ёзма маълумот доим ҳам археология материалларини тасдиқламайди, глоттохронология бўлса ҳар бир олим ўзи танлаган критерийлар бўйича бобо тилни тиклашга уринаётгани боис кутилган самарани бермаяпти. “Ротацистлар” ва “зетацистлар” баҳсини қўя турайлик, бундан-да эксклюзив кўз қарашлар илгари сурилмоқда².

Умуман олганда, туркларнинг ғарбга томон босқичма-босқич миграциясининг кўпсонли фазаларидан ташкил топган туркий тилларнинг ҳозирги ҳудудларга тарқалишидай мураккаб жараён айниқса дастлабки босқичларида фақатгина камсонли гувоҳликлар орқали бизга маълум, бу ёзма манбаларнинг узук-юлуқлиги ва озлигидандир. Бу жиҳатдан туркларнинг руник хатида иншо этилган ўз эпиграфик ёдгорликларидай камёб ёзма манба улкан қийматга эгадир. Улар туркларнинг тарихга бўлган ўз ёндашувини, менталитетини, дунёқарашини акс эттиради, энг муҳими – маҳаллий манба ҳисобланади, бу уларнинг қадрини янада оширади. Бунга 50 йил муқаддам С. Г. Кляшторний иқроп бўлганди:

“Ўрта ва Марказий Осиё тарихини ўрганишнинг мураккаблиги авваламбор манбашунослик базасининг заифлиги билан изоҳланади – манбалар сони нисбатан кам... Шунинг учун тарихчи учун шубҳасиз иккита зарурий сифатга – маҳаллийлик ва аутентикликка эга бўлган камсонли ёзма ёдгорликларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Мана шундай ёдномалар сирасига қадимги турк-рун битиклари киради” [1].

Руник обидалар айрим ўринларда юқоридаги илмий муаммоларни ҳал қилишда археология, глоттохронология ва компаративистикадан кўра кўпроқ

¹ Тўлиқ жумла: “Барча тилларда генеалогик дарахтлар бор, туркларда эса – генеалогик кунда”. Анна Дибонинг ёзишича, у пайтларда шунчаки туркий тиллар фонетик конуниятлари ва тарихий морфологияси доирасига етарли миқдорда материал киритилмаган, шу боис у Долгопольскийнинг сўзларини “тушунмовчиликка асосланган” деб ҳисоблайди. Шундай бўлса-да, Дибо хонимнинг бу клишеларни бузишга бўлган уриниши у қадар ишончли бўлмаганини ҳам тан олиш керак. Қаранг: Дыбо А.В. Лингвистические контакты древних тюрков. Лексический фонд. – М.: 2007.

² Мана шундай ғоялардан бири В. Понарядов томонидан, тўғри, илмий нашрда эмас, оддий суҳбатда айтиб ўтилган эди. Унинг гумонига кўра, турк бобо тили Олтой шомонлари ўйлаб топган сунбий арготик нутқ бўлиб, кейин муомалага кирган бўлиши мумкин. Ўтиборлиси, ҳеч қандай илмий асос ёки тадқиқотга таянилмай ифода этилган бу ғоя турк грамматикасининг мунтазамлигини ҳамда бошқа олтой тилларида муқобили йўқ лексик қатламни яхши тушунтиради.

аҳамиятга эга бўлади; ушбу матнлар ўтмиш туркларининг ҳаёти, уларнинг тинимсиз ва тартибсиз кўчишларининг асл шоҳидларидир. Шунинг учун бўлса керак, бошқа тил оилалари тадқиқотларида деярли кузатилмайдиган ҳолат туркологияда юз берди – эпиграфикани ўрганиш натижасида соҳанинг алоҳида ва ўта муҳим тармоғи – рунология шаклланди³. Шу билан бирга, мазкур йўналиш археология ва филология ўртасида кўприк вазифасини ҳам ўтамоқда. Руник эпиграфика туркларнинг сиёсий, маданий, лисоний ва этногенетик тарихини очиқлаштириб бериши билан бирга, археологлар, палеографлар ва ҳатто адабиётшуносларнинг ҳам асосий тадқиқот объектига айланиб қолди.

Биринчилардан бўлиб А.Н. Бернштам қадимги турк руникасига филология ва лингвистика объекти сифатида эмас, тарихий манба тариқасида ёндашди. Ўзининг диссертация иши муқаддимасида турколог ушбу манбалар гуруҳининг тарихий интерпретацияси давомида вужудга келган мураккабликларни тилга олиб ўтди: “Энг катта қийинчилик кўриляётган муаммо бўйича материалларнинг ишлаб чиқилмаганлиги бўлди” [2].

Бугунги кунда битикларнинг ўз ичига энг катта намуналарни олувчи асосий гуруҳлари илмий истеъмолга киритилган бўлиб, тарих бўйича етакчи манба сифатида кенг қўлланилади. Ўрта Осиё ареали топилдиқларининг бу борада унчалик “омади келмаган” – уларга қизиқиш билдирувчи мутахассислар жуда камлиги баробарида, бу ёзма корпус берадиган материални глотто-этногенетик ёки тарихий дискурсга татбиқ қиладиган одамнинг ўзи йўқ. Ваҳоланки, Талас ва Фарғона Ўрта Осиёнинг ўз Ўрхуни ва Енисейга айланиши лозимки, бу матнлар кун тартибидаги кўплаб катта ва кичик саволларга жавоб бўладиган салоҳиятга эгадир. Саволлар эса кўп: турклар Ўрта Осиёга қачон кириб келди? Қачон минтақада биринчи туркча сўзлар жаранглади? Бу тилнинг ташувчилари қандай ижтимоий-антропологик қиёфага эга эди? Диалектал вазият қандай бўлган? Ўрта Осиёнинг илк туркий қабилалари кейинги давр кўчишларида қай даражада иштирок этишган? Қуйида ушбу саволлардан айримларига жавоб қидириб кўрамыз.

Тадқиқотчилар турк унсурларининг Ўрта Осиёнинг ўз ичига бугунги Ўзбекистон ҳудудини ҳам олувчи ички вилоятларига кириб келишини VI асрга, Турк ҳоконлигининг шаклланиши ва унинг ғарбга томон экспансияси даври билан боғлашни маъқул кўради. Аммо минтақанинг турли вилоятларида бу жараён бошқа-бошқа даврларда бошланганди. Айтайлик, Етгисувда илк турк чодирлари жуда эрта тикилгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмагани билан, А.Н. Бернштам

³ Шунга ўхшаш ихтисослашув юноншунослик ва мисршуносликнинг туташув нуктасида содир бўлган эди. Александр Македонскийнинг фавкулудда харизмаси боис истило қилинган қадимий ва жуда бой замин – Мисрда юнон сулолаларининг макон қуриши оқибатида эллин ёзма анъанаси Миср цивилизацияси ютуқлари билан омукталашиб, папирус қоғозига кўчди. Юнон тилидаги папирус қўлёзмаларнинг ниҳоятда кўплиги (1990-йиллардаги адабиётларда 200 000 сони келтирилади) туфайли алоҳида тадқиқот йўналиши – папирология вужудга келди.

уларнинг Фарғона водийсига кириб келишини VII асрга [3], Е.А. Давидович ва Б.А. Литвинский – илгарироқ давр, VI-VII асрларга бориб тақашган эди [4].

Ўрта Осиё худудида IV-VI асрларда, туркларгача яшаган кўчманчи қабилаларнинг лингвистик дахлдорлиги борасида баҳс-мунозаралар ҳанузгача тўхтагани йўқ. Э. Шаванн, Ф. Альтхайм, Р. Стил, Э. Пуллиблэнк сингари Европанинг кўзга кўринган тадқиқотчилари эфталлар ва уларга яқин қабилаларнинг тил фактларини пратурк унсурлари сифатида интерпретация қилиш имконияти мавжудлигини айтишган бўлса, рус тилидаги тарихчиликда кўпроқ танилган мутахассислар бундай ёндашувга қарши чиқишган⁴.

Уларга қарама-қарши ўлароқ, С.П. Толстов тескари қарашни ёқлаб чиққан эди:

“... арабча *haytal* бизга ушбу исмнинг талаффузини унинг ташувчиси бўлган халқнинг тилида *gwta > gwta-ali* шаклида исмнинг иккинчи таркибий унсурининг туркча семантикасини ҳисобга олган ҳолда “*gwta халқи*” маъносида реконструкция қилиши имкониятини беради. Исмнинг иккинчи, атоқли, қисмини турк лексик материалдан келиб чиққан ҳолда дешифровка қилиш ҳуқуқини бизга эфталит ономастикасининг умумий мажмуи беради, унга кўра таъкидлаш мумкинки, эфталлар шаклланган турк тилида гапирмаган тақдирида ҳам, уларнинг тили туркчага жуда яқин бўлган ва, афтидан, палеотурк тилларининг ўрта асрлардаги вакиллари булғор ва хазар тиллари, бугунгилари эса чуваш тили бўлган тармоғига киритилиши мумкин” [5].

Эрон-турк алоқалари янада кексароқ ўтмишда бошланганини таъкидловчи бошқа, унчалик машҳур бўлмаган фараз ҳам бор. Аммо у рус тилидаги илмий адабиётда деярли маълум эмас ва асосан европалик тилшунослар томонидан ишлаб чиқилмоқда. Илк бор бу ҳақда И. Бенцинг фикр билдирган [6]. Унинг ишланмаларини Г. Дёрфер давом эттириб, ўрта форс тили лексикаси ва синтаксисига турк тилларининг гипотетик таъсирини кўрсатиб берди [7]. Кейинчалик Г. Виндфюр томонидан ўрта форс тилининг шундай алоқалар ҳақида гувоҳлик берувчи морфологик хусусиятлари таҳлил қилинди [8]. Ушбу тадқиқотчи ҳам Г. Дёрфер келган хулосаларни такрорлади.

Методологик нуқтаи назардан Л. Йохансоннинг иши муҳим ўрин тутди – у биринчи бўлиб ушбу шаклдаги турк-эрон алоқалари белгиларини аниқлаш критерийларини ишлаб чиқди. Таъкидланишича, арман тилининг Анатолия диалектлари, Каппадокия юнончаси ва бошқалар структурал турк компонентларига эга. Аммо бу аломатлар туркларнинг Анатолияга келишидан анча олдин, масалан, ўрта арман тилида пайдо бўлади. Л. Йохансон ушбу фактлар арман ва юнон тилларига қадимги даврдан бошлаб турк ёки уларга қариндош бўлган идиомлар билан ўзаро таъсирлашган эрон тиллари орқали кириб келган, деган хулосага келади [9].

⁴ Назариялар ва умумий проблематика бўйича қаранг: Aydogdy Kurbanov. The Nephthalites: Archaeological and Historical Analysis. – Berlin, Studies of the Free University, 2010.

Ўзбек тарихчиларининг охириги мақолаларида ҳам шунга ўхшаш фикрлар билдирилди, аммо етарли даражада далилланмай, махсус тадқиқотларда ўрганилмаган бу масаларда ҳозирча декларатив руҳдаги баёнотлар етакчилик қилмоқда [10].

Бизнинг турк унсурлари Ўрта Осиёга ва хусусан Ўзбекистон худудига кириб келишини даврлаштириш муаммоси бўйича ёндашувимиз қуйидаги йўлланмадан келиб чиқади: лисоний жабҳада ўзбеклар ва минтақанинг туркийзабон халқлари Турк хоқонлигидан кейин тарқалган қабилаларнинг ворисларидир. Турк гуруҳининг қадимийроқ лаҳжалари мусулмон сулоларининг ҳукмронлик йилларидаёқ камсонли реликтлар ҳолига келиб қолиб, мўғул истилоси оқибатида бутунлай йўқ қилинди ёки сиқиб чиқарилди; уларнинг кичик қолдиқлари бугунги туркий халқлар таркибига этнографик гуруҳлар сифатида кирди. Хусусан, туркманлар ва ўзбекларнинг уруғчилик структурасида халач исмли жамоалар рўйхатга олинган⁵.

С.Г. Кляшторний рун эпитафияларининг нисбатан чекланган худудларда – қабилла бирлашмаларининг маданий-сиёсий марказларида гуруҳланиши ҳақида тезисни илгари сурди [11]. Шундан келиб чиққан ҳолда, Еттисув билан бир қаторда Фарғона водийси ҳам ғарбий туркларнинг ошёни бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Фарғона ёзувларининг характериға қараганда (улар асосан керамикадаги қисқа сатрлардан иборат), вилоят туркларнинг асосий сиёсий маркази эмас эди – бу ерда сиёсий ёки ҳарбий элита эмас, оддий деҳқонлар ёки кўчманчилар жойлашган, шунингдек, вилоят даражасидаги бюрократия ва аслзода қатлам мавжуд бўлган. Қиёс учун, Еттисув графитолари қабртошларга тирнаб ёзилган; бу тур тошбитиклар жуда кенг ёйилган бўлиб, ҳарбий тоифага тегишлидир. Сиёсий элитанинг идентификатори эса монументал асарлар ҳисобланади.

Фарғона хатларининг каттагина қисми Исфара атрофида очилгани диққатга сазовордир. И.Л. Кизласовнинг уддабуронлик билан берган таърифи муносабати билан “Исфара хати” истилоҳи бугунги кунда ўз маъно доирасини кенгайтириб, палеографик планда минтақанинг деярли барча ёдгорликларини қамраб олди. Ушбу атама остида VI-VIII асрларга доир Қалъаи Кофир, Қалъаи Боло, Қизил Пилов, Ошхона, Кува руникаси тушунилади ва, ҳарқалай И.Л. Кизласовнинг машҳур китобига киритилган бу номлар Исфара хатининг энг кўп эсланадиган “мумтоз” намуналарига айланиб қолди.

⁵ Халажларнинг омон қолган кичикроқ бўлаги Эронда ўрнашди ва ўша ерда бугунга қадар эсон-омон кун кечириб келмоқда. Ўрта Осиёда қолган халажлар эса халач ёки қалач номи остида туркманлар ва ўзбеклар таркибига кирди. Б.Х. Қармишевнинг маълумотиға қараганда, энг қадимги турк бўйларидан бирининг отини сақлаб қолган ўзбек халачлари XX аср бошида Кофарнихон қуёи оқимидаги бешта кишлоқда истиқомат қилган (Бухоро амирлигининг Қабодиён беклиги): Шохқишлоқ, Жарқўрғон, Лайлақуя, Саройқишлоқ, Бошлоқ. Қаранг: Б.Х.Кармышева. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: 1976. С. 83. Бизнингча, Тожикистонда қайд қилинган Овчи Қалачи (Қалача) топоними ҳам, халқ этимологиясини уни “қалъа”га боғлашиға қарамай, айнан кўриб чиқилган генонимға алоқадордир. Қаранг: Губаева С. С. Ферганская долина. Этнические процессы на рубеже XIX-XX вв. – Берлин: Lambert Academic Publishing, 2012.

Бундай терминология доирасида таҳлилий мулоҳазалар юритилиши фойдасига гапирадиган асосий аргумент палеографик фактлардир: И.Л. Кизласов барча Фарғона эпиграфикаси битта хатда бажарилган деб топди ҳамда бу графикани Исфара номи билан атади [12]. Бу фикрга Н. Раҳмонов ҳам қўшилди [13].

Яна бир салбий тенденцияни қайд қилиб ўтайлик: Ўрта Осиё ареалининг ёлғиз Талас гуруҳи тадқиқотчилар диққатини, оз бўлса-да, ўзига қаратгани ҳолда, Фарғона қадимиятлари қисқа мақолалар “қаҳрамони”га айланди.

Бугунги кунда водийдаги эскиликлардан қазиб олинган руник фрагментлар сони 50-60-йиллардагидан анча кўп. Шунга қарамай, уларнинг XX асрнинг 90-йилларида топилган янги ўрнаклари жаҳон фанига ҳозирча яхши маълум эмас.

Фарғона гуруҳининг илмий-палеографик таҳлилга жалб қилса бўладиган намуналари йигирмадан ошиқ, аммо улар яхши ўрганилмаган, тизимга солинмаган ва манбашуносликка киритилмаган. Ҳолбуки, улар илк ўрта асрлардаги этник тарих борасида билимларимизни тўлдиришга хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирча тадқиқотчиларнинг бирламчи хулосалари палеография билан боғлиқ. Матнлари Кушон даврига оид Иссиқ, Дашти Навур ва “номаълум хатлар” билан қиёслашга уринишлар бор. Масалан, Н. Раҳмоновнинг фикрича, Бойсун битигидаги биринчи белги *Исфара хатида* қайд этилгани қаторида, Тўзбулоқ ва Дашти Навурда, Қува-1да мавжуд [14]. Бойсун битигининг яралиш санаси мил. I аср билан белгиланишини ҳисобга олганда, унинг палеографик жиҳати устида ишларнинг давом эттирилиши турк руникасининг илдизлари ҳақидаги саволга аниқлик киритилишига ёрдам бериши мумкин. Масаланинг мураккаблиги шундаки, айрим мутахассислар Фарғона хатининг Ўрхун-Енисей тизимидаги киришига шубҳа билан қараганлар. И. Кизласов Фарғона эпиграфикасини эҳтиёткорлик билан “рунсифат” деб атаганди.

Шу билан бирга, Р. Готьё ва В. Томсеннинг Ўрхун-Енисей хати сўғд графикасига бориб тақалиши ҳақидаги гипотезаси ҳали тўла исботини топмади – турк хати шаклланиши масаласи илгари тахмин қилинганидан кўра анча мураккаблиги констатация қилинди, холос. Бошқа фараз Е. Блоше ва Ф. Альтхаймлар томонидан ошкор қилинган эди. Умуман, II-VI асрлар Марказий Осиё этник тарихининг бутунлай қоронғулиги бу масалаларга ҳам соя солиб турибди.

Бундан ташқари, ушбу эпиграфик корпус бизга қандай характердаги ахборотни бериши мумкин? Ўрта Осиёнинг VI-VIII асрлардаги этник тарихига доир айрим фактларни кўриб чиқсак.

А.Ю. Якубовский Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида илк ўрта асрларда туркларнинг истиқомат қилганлигини қайд этиб ўтган:

“Шубҳа йўқ-ки, Шош ва Фарғонада улар (турклар) катта миқдорда ўрнашганди. Ҳарқалай, Ўрта Осиёни эгаллашда, VII-VIII асрларда, араблар фақатгина Балх ва Бодғис эмас, Фарғона турклари билан ҳам тўқнашадилар” [15].

“Ат-Табарий 737 йилга доир воқеалар билан боғлиқ ҳолда Амударёнинг юқори қисмида қарлуқларни ва уларнинг ябғу унвонига эга бўлган раҳбарини тилга олади. VIII асрнинг 90-йилларида қарлуқ қўшинлари Фарғонада эди. Гардизийнинг ҳикоя қилишича, Фадл ибн Яҳё Бармакий 792-93 йилларда Амр ибн Жамилга қарлуқларни сиқиб чиқариш вазифасини бериб, уни қўшин билан Фарғонага жўнатади” [16].

Ўз вақтида О.А. Сухарева Бухоро шаҳри дастлаб “Туркистондан келганлар” томонидан қурилганига эътибор берганди [17]. Бухоролик биринчи тарихчи Наршахий шаҳарнинг қурилиш юзасидан келтирган ривоят бундан далолат беради:

“Кўп сув оқиб ўтарди, аммо у Битик ва Форобга қадар кўп тупроқ олиб келарди, шу боис бошқа сувлар бутунлай қуриди; Бухоро жойлашган ер тупроққа тўлиб, майдонлар текислаб ташланган эди. Шундай қилиб буюк Сўғд дарёси вужудга келди, балчиқли майдонда эса Бухоро шаклланди; у ерга одамлар ҳамма жойдан тўплана бошлади, ва жой қувончга тўлди.

Туркистондан келган одамлар бу ерда ўрнаша бошладилар, негаки бу вилоятда сув ва дарахтлар кўп эди, овчилик учун ажойиб жойлар бор эди; бу кўчиб келганларга жуда маъқул тушди. Дастлаб улар ўтов ва чодирларда яшадилар, аммо кейин одамлар кўпроқ тўплана бошлади, ва кўчиб келганлар иморатлар кура бошладилар” [18].

Абу Аъло Муҳаммад ибн Али ал-Хассулнинг XI асрда ёзилган “Туркларнинг бошқа аскарлардан устунлиги ва султоннинг олий ташрифи хислатлари тўғрисидаги китоб”ида турклар бугунги Ўзбекистоннинг бир қанча ҳудудлари билан боғлиқ ҳолда тилга олинади:

“Ўқимишли инсонлар айтади: “Турклар ҳар хил бўлади: қарлуқ турклари Самарқанд атрофида истиқомат қилади, ва булар қадимий турклардир...”.

“Уларнинг шаҳарлари қаторига шунингдек Хурайсам (Хоразм?) шаҳри киради. Унинг аҳолиси тез-тез Сур шаҳрига хужум қилиб туради” [19].

Турклар Сўғднинг бошқа нуқталаридан ҳам муҳим ўрин тутишган. Жумладан, Б.А. Литвинскийнинг археология, нумизматика ва эпиграфика маълумотлари асосида таъкидлашича, “...мавжуд материаллар шуни кўрсатадики, сўғдларнинг Панч шаҳрида турклар ҳам муҳим роль ўйнашган. Баъзан турк аслзодалари шаҳарни бошқаришган (ҳоким Чақин Чур Билга), сўғдлар билан бир қаторда Панжакентда ва унинг атрофида турклар ҳам яшашган, масалан, сарой хўжалиги бошқарувчиси Ут ва бошқалар. Бу турк-сўғд этномаданий алоқаларининг чуқурлигини кўрсатади” [20].

Руник эпиграфиканинг катта қисми Фарғона водийсига тўғри келиши бежиз эмас. Ёзма манбалар ва археологик материаллардан маълум бўлишича, илк ўрта

асрларда бу ерда туркларнинг миқдори ва сиёсий-маданий ўрни катта эди. Айниқса бу таъсир водийнинг шимолий қисмида кучли бўлган. VII асрнинг 40-йилларида минтақа шимоли турклар, жануби эса маҳаллий сулола назорати остида эди. Турклар ўрнашган қисмнинг пойтахти хитойча қўлёмаларда Хумин деб аталади. Ўзбекистонлик олимларининг фикрига кўра, “Қува ўз майдони ва мавжуд бўлган санаси билан Хуминга тўғри келади” [21]. Бу фактлар тилга олинган ҳудудлардан чиққан ёдгорликлар ижтимоий-маданий мансубиятини аниқлаштиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиш мумкинки, Фарғона ёзма обидалари, улар туркларга тегишли эканлиги бутунлай далилланган тақдирда, ғарбдан шарққа Еттисувдан Бухоро воҳасигача, шимолдан жанубга Чочдан Бадахшонгача тарқалган ва, афтидан, VIII асрда қарлуқ номи билан маълум бўлган энг қадимги турк тилли адстрат томонидан қолдирилгандир. Бу факт шу томонлама муҳимки, қарлуқлар бугунги кунга қадар ўзбеклар таркибидаги этногуруҳ сифатида мавжуддирлар; улар Б.Х. Қармишева томонидан барча кўрсаткичларга кўра энг қадимги уруғлар сирасига киритилганди [22]. Ўз навбатида, Қирғизистондаги кўплаб кичик катибалар тургашларга тегишли эканлиги илмий адабиётда кўп бора таъкидланган. Ушбу концепциянинг далилланиши учун ягона талаб қўйилади – матнларнинг қониқарли туркча таржималарини ишлаб чиқиш.

Ўрта Осиё ареалига кирувчи ёдгорликларнинг аксариятини ўрганиш жараёни ҳали тизимлаштириш босқичида турибди. Туркологларни ушбу манбаларга илмий изох беришда катта ишлар кутмоқда. Олимлар чинакам аутентик маълумотларни фақат Талас битиктошларидан қидириб, бир қадар тенденциозликка йўл қўяётганини бот-бот эсламай иложимиз йўқ. Я. Харматта кичик матнларда исмлар ва титулатура қайд қилганиниёқ бебаҳо ахборот деб ҳисоблаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

[1] Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: 1964. С. 3.

[2] Бернштам А. Социально-экономический строй орхоно-енисейских тюрок VI-VIII веков. – М.: 1946, С. 3.

[3] Бернштам А. Н. Древнейшие тюркские элементы в этногенезе Средней Азии. – СЭ, VI – VII, 1947.

[4] Давидович Е. А., Литвинский Б.А. Археологический очерк Исфаринского района. – Сталинабад: 1955, С.207-208.

[5] Толстов С. П. Древний Хорезм. – М.: 1948. С. 276-277.

[6] Benzing I. Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft 104/1954.

[7] Doefler G., Turkische Lehnwörter im Tadjikischen. Wiesbaden, 1976.

[8] Windfuhr G. In B. Comrie (ed.) The world's major languages. 523-46, 1990.

[9] Lars Johanson. *Struktural Factors in Turkic Language Contacts*. – Curzon. 2002.

[10] Алимова Д. А., Арифханова З., Камолиддин Ш. Каким не должен быть этнический атлас Узбекистана?// Алимова Д. А. История как история, история как наука. Том I. – Т.: «Узбекистан». 2008. Б. 65-80.

[11] Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: 1964. С. 51.

[12] Кызласов И. Л. Рунические письменности Евразийских степей. – М.: 1994. С. 288.

[13] Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – Т.: 2002. Б. 12.

[14] Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – Т.: 2002. Б. 12.

[15] Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Т.: 1941, С. 6.

[16] Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Т.: 1941, С. 8.

[17] Сухарева О. А. Бухара. XIX – начало XXв. – М.: 1966, С.132-133.

[18] Мухаммад Наршахи. История Бухары: <http://www.vostlit.info/Texts/rus12/Narsachi/otryv1.phtml?id=1418>

[19] Асадов Ф. М. Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. – Баку: 1993.

[20] Литвинский Б. А. Бободжан Гафурович Гафуров и его труд // Б.Г.Гафуров. Таджики. Том II. – Душанбе: 1989. С. 368.

[21] Раҳмонов, Н. Матбобоев Б.. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – Т.: 2002, С. 59-60.

[22] Кармышева Б. Х.. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: 1976, С.79-83.